

Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакийл

14:15 / 07.01.2018 212862

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан яна ривоят қилинади:

Иброҳим алайҳиссалом оловга ташланганида: «Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакийл», яъни «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи кифоя. У қандай яхши вакил», деб айтдилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга айрим кимсалар: «(Қурайш одамлари саноксиз лашкарни) сизларга қарши тўплаган, улардан қўрқингиз!» деганларида, бу гап уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: **«Бизга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи кифоя. У қандай яхши вакил!»** деб айтдилар.

Имом Бухорий ривоятлари.

Ибн Аббосдан қилган бошқа ривоятларида айтилишича, Иброҳим алайҳиссалом ўтга ташланган пайтдаги охириги сўзлари «Ҳасбияллоҳу ва ниъмал вакийл» эди.